VOLUME 7, ISSUE 1, 2023 SPECIAL ISSUE

УДК 1:28(093)

ИСҲОҚХОН ТЎРА ИБРАТ – МИЛЛИЙ ТАФАККУР МЕЪМОРИ

Исақова Замирахон Руҳитдиновна

фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор в.б.

Наманган давлат университети, Ўзбекистон тел: +99 891 362 89 37 e-mail: ms.zamiraxonisaqova@gmail.com

Абдуллахўжаев Адхамхўжа Исахўжа ўғли

Қўқон университети ўқитувчиси

тел: +998 90 362 91 41

Аннотация

Мақолада жадидчилик ҳаракати вакилларидан бири Исҳоқхон Тўра Ибратнинг миллат тафаккури юксалиши борасидаги қарашлари “Мезон уз-замон” асари асосида ижтимоий-фалсафий таҳлил қилинган. Ҳар бир мезонда кўрсатилган алоҳида муаммо замирида миллатни жаҳолатдан қутқариш ва тараққий этган миллатлар даражасига кўтаришдек буюк мақсад билан яшаган мутафаккирнинг маърифат, миллий ўзликни англаш, қадриятлар, тилнинг софлигини сақлаш, истиқбол, баркамол авлод орзуси ҳақидаги прогрессив қарашлари бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотлар билан муштарак ҳолда очиб берилган.

Калит сўзлар

Жадид, маърифатпарвар, Исҳоқхон Тўра Ибрат, “Мезон уз-замон”, миллат, миллий ўзлик, соғлом тафаккур, ўзликни англаш, қадрият, истиқбол, баркамол авлод.

Аннотация

В статье анализируются общественно-философские взгляды Исхакхана Тура Ибрата, одного из представителей джадидистского движения, на зарождение национальной мысли в основе произведения “Мезон уз-заман” (“Весы эпохи”). В основе особой проблемы, обозначенной в каждом критерии, прогрессивные взгляды мыслителя, жившего великой целью спасения нации от невежества и поднятия ее до уровня развитых наций, осознания национальной идентичности, ценностей, чистота языка, перспектива, мечта об идеальном поколении, общие черты, проводимыми нынешними реформами.

Ключевые слова

Джадид, просветитель, Исхакхан Тура Ибрат, “Весы эпохи”, нация, национальное идентичность, здоровое мышление, самосознание, ценности, перспектива, гармонично развитое поколение.

Annotation

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023 SPECIAL ISSUE

The article analyzes the socio-philosophical views of Is'hakhan Turf Ibrat, one of the representatives of the Jadidist movement, on the emergence of national thought in the basis of the work "Mezon uz-zaman" ("Scales of the Epoch"). At the heart of the special problem identified in each criterion are the progressive views of a thinker who lived with the great goal of saving the nation from ignorance and raising it to the level of developed nations, awareness of national identity, values, purity of language, perspective, the dream of an ideal generation, common features held by current reforms.

Key words

Jadid, educator, Is'hakhan Tura Ibrat, "Scales of the era", nation, national identity, healthy thinking, self-awareness, values, perspective, harmoniously developed generation.

Исҳоқхон Тўра Ибрат (1862-1937)нинг "миллат ва мактабга фойдалик" асарларидан бири "Мезон уз-замон" ("Замон тарозуси")дир. Асар тўққиз мезонга бўлиниб, ҳар бир мезонда алоҳида муаммо кўтарилган.

Асарда тилга олинган диний муносабатлар, аждодлар амал қилган урф- одатлар, кийим-кечак, емак-ичмак, турмуш тарзи, дини, маънавияти ва маърифати бидъату ақидага ўралиб қолган авлоднинг муаммолари рўй-рост танқид остига олинган ва огоҳликка даъват этилган. Исҳоқхон Тўра Ибрат миллатдошларининг маърифатли бўлишини чин қалбдан истаган ва унинг порлоқ келажагига ишонч билан қараб, умрини ана шу эзгу ишга бағишлаган.

Асар муқаддимасида Исҳоқхон Тўра Ибрат замондошларининг илоҳий амрларни билганлари ҳолда, умрларини беҳуда совуришлари, нафслари ҳақалак отиб, мол-дунёга берилганликлари, кунларини айшу ишрат ва маишатда ўтказишлари, илм-маърифат ривожи учун ёрдам сўраганларни ёмон кўришларини қайд этиб, бу асарни ёзишдан мақсади, энг аввало одамларнинг кўзларини кўр, қулоқларини кар қилган бойликка ҳирс қўйишдан қайтариш, илоҳий ҳукм муқаррар эканини эслатиш ҳамда Қуръон оятлари билан халқни тўғри йўлга солиш, уларни нодонлик ва жаҳолат сиртмоғидан халос қилишни мақсад қилганини баён этган.

Жаҳолат билимсизлик ва нодонлик, кўнгилнинг ўлимидир. Бундай кўнгил эгаси ҳақиқатни англашдан йироқдир. Агар инсон камолоти учун биргина илмнинг ўзи кифоя қилганида оламда жаҳолат барҳам топган бўлар эди. Жаҳолат инсоният ва маърифатнинг ашаддий душмани, барча ахлоқий фазилатларнинг кушандасидир. Маориф, маданият, ахлоқ ва соғлом тафаккурдан маҳрум бўлган кишилар жаҳолат қурбонига айланадилар. Айрим кишилар бу дунёга нима учун келганларини ҳам билмай, илм-маърифатдан рағбат олмай, умрларини беҳуда совурадилар, жаҳолат отига миниб, кўз кўриб қулоқ эшитмаган бетаъсир ишларни қиладилар, шу тарика умр кечирадилар. Жаҳолат шу даражада юқумли ва бедаво дардки, миллатни ич-ичидан кемиради, тараққиётдан бир неча юз йил орқада қолишига сабаб бўлади, ҳар бир замонда турли кўриниш ва турли ҳолатда намоён бўлади[1].

Асарнинг биринчи мезони "асрларни ўз қонуниятида тутиб турувчи мезон тарозуси" ҳақида бўлиб, Исҳоқхон Тўра Ибрат ҳар бир янгилик замон тарозуси билан ўлчаниши, айрим шариат қонунчиларининг калтаўйлиги ҳамда мутаассиблиги оқибатида янгиланиш жараёни халқни аросатга солиб, замондаги ўзгаришларга хайрихоҳлик билан эмас, аксинча, янгиликка душманлик кўзи билан қарашганини кескин танқид қилиб, ихтилофларнинг кучайиши жамият таназзули ҳамда жаҳолат сари юзланишига сабаб бўлишини кўрсатган. Жумладан, замон доимо ҳаракатда, ўзгаришда, ривожланишда, тараққиётда ва янгиланишда бўлиши, у доимо

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023 SPECIAL ISSUE

ҳаракатда, ўзгаришда, ривожланишда, тараққиётда ва янгиланишда бўлиши, ҳар бир замон ўз қонуниятлари билан асбоб ва ашёларигача янгилаб туриши, замон ўзгариши билан истеъмолга кирган асбоб ва ашёлар Аллоҳнинг инъоми экани, улар фақат замон ўзгариши билан ўлчаниши, айрим шариат аҳли бу янгиликларни қабул қилсалар ҳам, айрим мутаассиб шариат пешволари тараққиётни рад этиб, халққа қийинчиликка солиши тилга олинган: “Мезон баробар қиладургон тарозудур. Бу асрларни, замонларни вазн қиладур. Сўнгра ҳосили мезон – бир натижа ҳосил бўлур. Биз бу мезон ила ўз асримизни тортамиз. Аввалги замон ва кейинги замонларни(нг) бўлак тарозуси бор. Биз кўз билан кўрган нимарсани вазн қиламиз”[2].

Исҳоқхон Тўра Ибрат қадим ва жадид (янги) масаласида тўхталиб, замондошлари оддий сўзлар устида жанжал қилиб, ихтилоф келтириб чиқаришаётгани, бу эса Аллоҳнинг амрига мувофиқ келмаслиги, халққа, миллатга, Аллоҳ томонидан фарз қилинган амаллар қолиб, ҳаром ва ҳалолнинг жанжалини қилиш, қадим ва жадид ўртасидаги низолар кераксиз экани, бандаларнинг бажариши лозим бўлган вазифалари белгилаб берилгани, энг бирламчи зарурат бир фикрга келиб бирлашиш, иттифоқ бўлиш лозимлигини уқтирган: “иттифоқ ва иттиҳод зарурлиги ҳеч кимни андишасида... Худо амринда уламолардин амри маъруф, ағниёдин эҳсон, бинои хайру имдод, фуқаро ва умум ун-носдин ҳаракати касби илм лозим”[3].

Исҳоқхон Тўра Ибрат алам билан қаламга олган муаммолардан бири айрим шариат пешволарининг билимсизликлари, жаҳолатлари, торфикрликлари туфайли янги жорий бўлган ашёларга ҳаром» деб фатво беришгани, қачонки ашёлар кенг қўлланила бошлагач, истеъмолга киритганликларидир.

Исҳоқхон Тўра Ибрат мамлакатнинг зулмат, жаҳолат ва хурофот ичида қолганининг сабабини яна бир бор илмсизликда деб кўрсатиб, инсон жидду жаҳд билан ҳар қандай ишни уддалай олиш мумкин деган фикрни оят ва ҳадис билан мустаҳкамлаган: Расулуллоҳ ҳазратлари марҳамат қилибдурларки: “Ал- илму иззуд-дунйа ваш-шараф ул-охирати” (“Илм – дунё иззати ва охират шарафи”) деб. Иккинчи бир ҳадислари: “Утлуб ул-илма ва лав кана бис-Сийн” (“Хитойга бориб бўлсада илм талаб қил”). Бул ҳадислар бизни талаби илм қилмоққа таклиф қиладур. Биз қочармиз. Шориъи акбар[4] набиййина алайҳиссалом қайси сўзларидан зарар кўрдукки, меҳнат қилиб, қаттиғ урнамаймиз? Ҳеч иш қўлга келмайдур, илло қаттиғ ҳаракатлардан. Бул тўғрида Худованди акбар Каломи қадимда айтадур: Ва ан лайса лил-инсани илла ма саъа[5]. Ҳаракат даркор. Бул ҳам ҳадисдурки, “дар таваккул пойи уштурро бибанд”. Аввал инсон, сўнгра таваккул. Мана “Мезон”ни(нг) сизга кўрсатадургон вазни[6]. Уламо ва фузало ва авом ҳама нафс хизматидан бўшамай, дунё қилмоқ, иморат, ҳашам, манфаати нафсияларин мубталойи. Хизмати уммат, хизмати миллат деган нима?[7]

Ибрат фан-техника тараққиётини ижобий баҳолаб, кишиларни тараққиёт билан тенг одимлашга чақирган: “Аввалги асрларни(нг) одами, чунончи боболарингиз ёки бўлак одамлар илмда, ҳунарда, маъишатда – жамиъи умуринда (барча ишларда) машаққатда ўтган. Эмди умури маъишат роҳатга бадал бўлди. Боболарингиз чақмоқ чақар эрдилар, кўрки, ҳозир қандоқ роҳат. Қаро чироқ ёқар эрдилар, электрий ламфа қандоғ роҳатдур. Инқилоби замон шундоғ қилди. Хусусий сафар қилмоқда машаққатларга қараб вазн қилинг. Тошканд илан Хўқанд ароси бир ҳафта кўб меҳнат илан, йигирма сўм сарф илан, бир ҳафтада сарт аробада борилур эди. Худованди оламни(нг) марҳамати, ҳукумат ҳаракати илан темир йўллар солинуб, бир уч соатда тўрт сўм сарф ила борадургон бўлди. Бўлак ашёлар ҳам бул тариқа осон мезон қилганда фарқ бўлур. Бул осонлик аввалда нега бўлмагон? Бунга сабаб мутараққий ва маданий халқни(нг) йўқлиги, ихтилот йўқлиги”[8].

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023 SPECIAL ISSUE

Ибрат жамият ҳаётида юз бераётган янгиликлар моҳиятини тушунтиришга, бошқа халқлар олдида илмсиз, торфикрликлари ва хурофотга берилганликлари учун ғариб ва ожиз бўлмаслик учун илм олишга, ҳунар ўрганишга, доимо олға ҳаракат қилишга чақириб, ўз фикрларини Қуръон оятлари ва ҳадислар билан асослаган: “Ҳусули ҳаракат ила бўлурга Худованди олам марҳаматидан “Ва ан лайса ли-л-инсани илла ма саъа”[9] мазмунидан воқиф бўлиб, амал даркор, ҳаракат даркор. Ўранмоқ керак, танбаллик ила мақсадга эришилмаз”[10].

Иккинчи мезон ислом ва шариат масалаларига бағишланган бўлиб, Ибрат миллатни турли фирқаларга ажралишдан қайтарган, иттифоқ ва иттиҳодга чақирган, халқни бирлаштириш орқали тараққиётга эришиш мумкинлигини эътироф этган ҳолда одамларнинг иттифоқ бўлиб яшашлари зарурлиги ҳақидаги оят ва ҳадислардан намуналар келтирган. “Каломи қадимда Аллоҳ таоло айтур: “Ваътасиму биҳаблиллаҳи жамиъан ва ла тафаррақу”[11], яъни Худонинг риштаи маҳкамига даст уринглар, ҳамаларингиз иттифоқ бўлуб, тафриқа ва пароканда бўлмай. Ҳама муттафиқ бўлуб, нифоқ қилманглар, дер. Ва ҳам Оллоҳ таоло буюрадурки: “Ва ла такуну каллазийна тафаррақу ваҳталафу мин баъди ма жаа ҳумул-баййинат”[12], яъни мутафарриқ ва ихтилофда бўлманглар ул кишилардекки, мутафарриқ бўлдилар. Сўнгра иттифоқ ва иттиҳоддаги халқни(нг) тараққийларини кўрдилар. Сураи “Анфол”да буюрадурки: “Ва ла танозаъу фатафшалу ва тазҳаба риҳукум”[13], яъни бир- бирингизга мунозаат қилманглар, нифоқ этманг. Қўрқингки, роҳатларингиз қўлдан кетар. Яъни сизни(нг) нифоқингиз таъсири қабойилларингизга уруб аларни(нг) таъсири оламга урадур. Бас, боиттифоқ тафкир (фикрлаш), тадбир ва дафъи душманга ожиз бўлманглар”. Сураи “Ол-и Имрон”да айтадурки: “Ва шовирҳум фил-амри фаиза азамта фатаваккал алаллоҳ”[14], яъни, эй расул, сан замоники, агар бир амрга мубошарат қилсанг, мустабид бўлма, худройлик қилма. Балки асҳоб ила машварат қил. Дор уш-шўрода бўлган иттифоқ илан ишга ҳаракат қилиб, ани рой қилиб, ул корни(нг) оқибатини манго таваккал қил. Сураи “Шўро”да айтадур: “Валлазийна астажобу лироббиҳим ва ақомус-солата ва амруҳум шуро байнаҳум”[15], яъни биҳишт ул кишигаким, Худосини даъватини қабул қилиб, намозни барпо қилиб, ҳар амри бўлса, ани шўро (маслаҳат) этибдур.

Исҳоқхон Тўра Ибрат бани башарни бир ота ва бир онадан тарқалган ака- ука экани, биродарлар қанчалик бир-бирига меҳр-оқибатли бўлса, ҳаёти ҳам гўзал бўлишини таъкидлаб, инсонларни бир инсон танасидаги аъзоларга қиёслайди, инсонинг бир аъзоси шикаст топса, бошқа аъзолари ҳам оғриқдан азобланади. Инсонлар бир-бири билан аҳил ва иттифоқ бўлишлари, фитна ва нифоқ, зинодан йироқ юришлари лозимлигини уқтирган: “Эй мардум, қўрқинглар Худойингизданки, сизларни бир ота ва бир онадан пайдо киддики, отангиз Одам ва онангиз Ҳаводур. Бас, ҳамаларингиз бир кишини(нг) фарзанди: ўғул-қиз, оға-ини. Бир-бировларингизга мухолафат қилманг. Иттифоқ – бир тил, бир жон, бир тан ва бир жиҳат бўлунглар”[16].

Учинчи мезонда кишилар феъл-атворидаги баъзи қусур ва иллатлар тилга олиниб, судхўрлик, тижоратда хиёнат каби иллатлар миллат таназзулининг бош омиллари сифатида талқин этилган: “ ...пахта тижоратига ўрганган кишиларда шариати исломияга мухолиф уч катта гуноҳ муайяндур... Биринчиси, тарозуда кам олмоқ. Иккинчиси, хиёнат. Учинчиси, пахта беролмаган кишига суммасига

55 тийиндан иштроф ҳисоб қиладурлар. Уламолар бўлса, бул хил ишлар хусусида амри бил-маъруфдан хифз қилиб, дам урмаслар. Машойихлар бўлса, ўз маишати жоҳ ва ҳашамларига оввора бўлуб, жамъи молу мулкка банддурлар»[17]. Уламо айтмаса, авом сўрамаса, авоми аҳли ислом табиати хоҳиши бўлган йўлга кетадур, оқибати қайга етадур”[18].

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023 SPECIAL ISSUE

Исҳоқхон Тўра Ибрат фирибгарлик, ёлғончилик, судхўрлик каби иллатларни рўй-рост кўрсатиб, Қуръондан оятлар келтирган. Жамиятда кенг тарқалган фоизга пул бериш ҳамда сармоядорларнинг кичик савдогарларни хийла йўли билан алдаб, касодга учратишлари, баҳоси 20 тийинлик газламани савдогарларга қарзга 6 газини 3 сўмдан бериб банк зарарларини қоплашлари, тарозудан уриб қолиш, савдогарлардан мол баҳосидан ортиқча пул ундириш, патта берилмаган кишиларга маҳсулотнинг суммасига 5 тийиндан штраф солишларини қоралаб, бу каби қинғир ишлар хусусида уламоларнинг эътиборсизликларидан ранжийди. Ҳукуматдорларнинг маишат ва ҳашам билан овора эканликлари, қозиларнинг аҳли ислом эҳтиёжи, ҳукумат сўроқларидан бўшамай, халққа маъруза қилишга вақтлари йўқлигини айтиб, ўқувчилар ёзганларини маъруза ўрнида қабул қилишларини сўрайди: “Чунончи банда ўзум ўн йил ичинда хизмати шариатда бўлган вақтларимда билдимки, амри маъруфга вақт топа олмадим”[19].

Тўртинчи мезонда эски ва янги замон таққосланиб, миллатни тараққиёт йўлига олиб чиқиш йўллари, жумладан, илм аҳлининг бугунги вазифаси халққа тараққиёт йўлини кўрсатиш миллатга энг катта хизмат қилиш экани, замон билан ҳамнафас бўлиш, илм-ҳунар эгаллаш лозимлиги, маърифат ва жаҳолат ида яшайдиган халқнинг фарқи, бугунги кунда миллатнинг аҳволи қай даражада экани таҳлил этилган: “Бул вақтинда уламо ва фузалолардан халқни тараққий ва таолийға қўшмоқ йўлини кўрсатмак энг катта хизмати миллиядандур. Бу овонимиз овони илму касбу ҳунар замонидурки, асримиз даврида кўруб турубсиз, илму ҳунар арбоби қандоғ, ваҳший ва бадавий халқ қандоғ. Муни мезонга қўйунг. Ҳосили мезон имтиҳон бўладур”[20].

Исҳоқхон Тўра Ибрат халқнинг бурунги аҳволи билан эндиги ҳолатини солиштириб, халқнинг кундалик ҳаётига жадал кириб келаётган янгиликларнинг афзаллик жиҳатларини кўрсатган: “Аввалги асрларда авом халқ меҳмонларига чироғ ва шамъ йўқ экан, қуроқ қуға хашак ёқуб қўнушар эдилар. Алҳол нима қиладурлар? Подшоҳлар бир-бирларига муҳораба очсалар, найза ва камон, фалахмон ва гурзи ила муқолаба қилур эрдилар. Алҳол нима ишлар? Асбоби рўзғорияларида бу ажаботи касрияи жадидалар кўрунуб, ишлануб, ҳам чиқуб турубдур. Мундин ўтуз беш йиллар муқаддам мабодо бир маҳаллада ўт йўқ бўлса, ўт ахтаруб иккинчи маҳаллага боруб, бир чўпни учига латталарни ўраб, ўт олуб келганда, маҳалладин раҳматлар олинур эди”[21].

Исҳоқхон Тўра Ибрат ижтимоий ҳаётга кириб келаётган янгиликларни диний ақидалар билан боғлаб, халқни қўрқитишга уринган уламоларни танқид қилган: “... янги самовар чиққон экан. Муни қўрмагон шул хил муболағалар қилдиларки, бу аломати қиёматга ўхшар. На учунки, ажабо, ўтни ҳам соладур, сувни ҳам соладур, бир-бирига аралашмас… Гугурд янги келгонда кўб кишилар тамошоға борган. Ламфа янги келгонда банда бир адад еттинчи усталовой ламфа олган эдум, азбарои янги ва антиқа китоб қўрмакка деб ани кўб кишилар отини “гуҳар шабчироғ” деган шул эмиш, деб содда кишилар кўб таажжуб қилдилар. Уларни(нг) таажжуби буки, шамдек ҳар бир соатда мунча мартаба учини кесмас экан ва шамдек оқуб кетмас экан, бирдек доимий ёнуб турар экан, деб истиҳсон қилганларида соддадил муллоларимиздан бунга қарши “Буни(нг) равшанида ўлтуруб бўлмайдур, ёғи ҳаром эмиш. Иншо насронийдур, алалхусус масжидга қўйуб бўлмайдур”, деб неча-неча бўлмаган, тубсиз хурофотларни чиқоруб бўлганлар. Мундин беш йил ўтди-ўтмади, ўшал муллолар ҳама шамъ ва чироғни тарк қилиб, ўзлари олиб истеъмол этдилар. Маснуъоти илоҳий ибтидои оламдан интиҳоғача бўладургон ва чиқадургон нимарсалар ҳамаси ояти Қуръонияда мубайяндур. Чунончи,

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023 SPECIAL ISSUE

Фарғонадан бир вақт уламо мажлисида “парахўдларни(нг) оятда зикри борму ёки йўғму” деб муколама бўлганда, бир киши бир юз эллик сўм оқчани ҳар киши отидин – “ҳужжат топиб берсун, берурман” деганда, ҳама уламо “ҳадяни чиқорунг” дейдур. Дарҳол оқчани ўртага чиқорганда, уламо олуб, кармонга солуб, бу оятни ўқугон экан: “Фил- фулкил-машҳун ва холақна лаҳум мин мислиҳи ма яркабун”[22]. Уламолар “ҳама ҳужжат шулдур” деб қабул қилгон экан. Мана Худованди олам бандасига дарёларда юрмакка мундоғ осонликларни инъом қилгон“[23].

Исҳоқхон Тўра Ибрат ҳаж ҳақида тўхталиб, сарф-ҳаражат қилиб сафарга чиқиш орқали инсон мусофирлик машаққатини енгиши, дунёни ўрганиши, бошқа ҳалқларнинг ҳаёт тарзи, турмуш-турмуши билан яқиндан танишиши, улар эришган ютуқларни ўзлаштириши, ҳаж сафари орқали ҳам маънавий, ҳам диний, ҳам ахлоқий, ҳам маданий юксалишини зикр этган: “...Ҳажжул байти ман истатоъа илайҳи сабила”[24]дан ғараз фариқ ахди исломни неча қабиласини кўруб, ихват муҳаббатини алар ила бойлаб, сафарда Худованди олам халқидан кўрмаган нимарсаларни кўруб, эътиқодини комил қилмоқ бўлса керак”[25].

Инсон хилқати жисм ва руҳдан иборат. Инсонни жисми эмас, балки руҳи мукаррам этади. Инсоннинг инсонийлиги унинг руҳоний жавҳари, яъни илоҳийлигидадир. Шу боис инсонда руҳонийлик қанча камол топса, инсон шунча мукаммаллашади, покланади.

Исҳоқхон Тўра Ибрат учун инсоннинг руҳий поклиги, илм ва амали бирлиги аҳамиятлироқ бўлган: “Агарда янги илм, янги йўл, янги олам, янги асрдин бидъатни орода қилиб, сўфилик қилурман десаларингиз, хотири жамъ бўлинг. Эски нимарса қолган? Йўқ, ҳар аср, ҳар қарн аҳволи ўз вақтига мувофиқ бўладур. Сизлар бул аср халқни ўз йўлларингизга солмоқ иложини қилсангиз, мана замон қилиб бўлмайдурки, Машраб девонани сўзига тўғридур: “Баёзидни вақти ўтти, шайхи сўфиён излама” дейдур. Ибратлик сўздур. Ҳар аср, ҳар қарн бир атвор билан кечар”[26].

Исҳоқхон Тўра Ибрат инсонни чуқур англагани сари унинг нақадар ҳақир ва дунёпараст, шуҳратпараст ва амалпараст, очкўз ва бадахлоқлигини кўриб, унинг ожизлиги, ноқобил ва ноқислигидан бир раҳми келса, бир ранжиган:

Асримиз инсонларига бўлмади бир дардкаш,

Кимни сўрсанг суҳбат айлар санда бўлса нону ош[27].

Исҳоқхон Тўра Ибрат уламоларнинг илмга муносабатини таҳлил қилиб, уларнинг янги услубда қурилган иморат ва либосларга эмас, илм йўлида янги қоидалар чиқариб, миллатга хизмат қилганларга қарши чиқишларини оқламайди: “Бир катта иморат ва либосларга эмас, илмия йўлига ҳам шул хил янги рисолалар ёки қоида чиқоруб, умматга хизмат этганларга бизни(нг) Туркистон уламолари кўпда назари раҳматлари йўқ”[28].

Исҳоқхон Тўра Ибрат янги очилган жадид мактабларининг аҳволи, уламоларнинг қаршилиги туфайли тушунмовчилик ва келишмовчилик, ҳаттоки мактабни ёпиб қўйиш ҳолатлари рўй бергани, бир жадид муаллимининг илтимоси билан у ўқитган ўқувчилар қозилар олдида имтиҳон топширишгани ва савол-жавобдан қониқиш ҳосил қилган уламолар кўзларига ёш олиб, ташаккурлар айтиб, “янги усулда ўқитиш шаръий” деб ҳукм қилишгани ҳақида батафсил ҳикоя қилади. Бундан кутилган асл муддао шундаки, оддий одамлар “усули жадид” деганда дин соҳасидаги ислоҳотларни тушунганлари ҳамда “бу йўналишда янгилик қилиш динда кескин ўзгаришларга сабаб бўлади” деб асоссиз қўрқишларидаки, бунинг замирида

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023 SPECIAL ISSUE

уламоларнинг жадид мактаблари ҳақидаги уйдирмалари ва нотўғри мулоҳазалари мужассам эди.

Исҳоқхон Тўра Ибрат ўлкада жадид мактабларининг кўпайиб, урф бўлгани, муаллимлар сони ортиб, кишилар хат-саводини чиқарганликлари, ёшлар қатори катта ёшли кишилар ҳам ўқиб, савдо-сотиқ ва бошқа ишларида осонликка эришганлари, бу ҳам бўлса замоннинг мезони натижасидир, деган хлосага келган: “Баъзилари “Усул” деб динни айтур, “усули жадид” демак “янги дин демак”, деб ғалат мутолааларға киришуб, мақсадлари бу “эски йўлда овқат қилиб турган муаллимларни(нг) ризқи узилар эмиш” деган хаёлларга боруб, бунга қарши турсалар ҳам муни(нг) моҳиятин билганлар уларни(нг) қаршиликларига қарамай, ўқута бошладилар. Алҳамдулиллаҳ, ҳозирда ҳама шаҳарларда усули жадид мактаби жорий бўлиб, ҳама нафъини билиб, сартия, ўзбакиялар ҳамасидан муаллимлар кўпайуб, ҳар ерларда мактаб очуб турадур”[29]. Исҳоқхон Тўра Ибрат ҳар замон (нинг) ўзига қараб, илму ҳунар касби даркорлигини таъкидлайди.

Бешинчи мезонда Исҳоқхон Тўра Ибрат халқнинг бурунги ҳаёти билан ҳозирги аҳволини солиштириб, бурунгилар бекорчилик билан кунни кеч қилган бўлсалар, ҳозиргилар иш-иш деб югуришни бошлаганлари, йўқчиликдан тўқчиликка, яъни барчалари замонга қараб илдам қадам ташлашга уриниб, яхши ҳаёт кечиришга ҳаракат қилишларини “бундан маданият иси келар” дея ижобий баҳолаган: “Асримиз илму хунар, ҳаракат асридур, турмоқ асри эмас. Ғофил турса, ғафлат уйқусидин тургунча, бозори олам ўтуб кетадур. Ўр(г)анмоқ даркор. Эътибор қилинглар, эй оқиллар!”[30].

Исҳоқхон Тўра Ибрат фарзандларнинг бир неча йиллаб эски мактаб ва мадраса тупроғини ялаб, охири саводсиз ёки чаламулла бўлиб чиқишларидан изтиробга тушганидан энг аввало ишни маорифни ислоҳ қилишдан бошлаш лозимлигини таъкидлаган: “... Бу мубталолик, жаҳолат тартибсиз бўлуб, сўкуб, катта қилиб, ёшликда кўчада ёнғоқ, ошуқ, ондин каттароқ бўлганда гапхонада сафсата, аския деган беҳуда сўз, урушмоқ, сўкушмоқни таълим оладур. Бу афъоли бадларни, бу мараз дардни доруси илмдур. Ёшларни мактабда тартиб қилиб ўстурмаганликдиндур. Ҳоло ҳам сизларга вақтдур. Илмсиз киши асоссиз девор деган. Асоссиз девор ғоятда беэътибор бўлур. Илм ўқунг, ўқутунг, ахлоқи фунун замонага даркорлик илмлар зарур, агар сиз шул замонда турмак бўлсангиз. Лекин, йўқ, сизни замонларингиз, бу замона, бул аср эрмас, бул асрда турмаклик сизга душвор бўлур”[31].

Исҳоқхон Тўра Ибрат яна бир бор илмга эътибор қаратиб, катта ўзгаришлар рўй бераётгани, бурунги илм аҳли билан ҳозирги илм аҳли ўртасидаги фарқни кўрсатган: “Илмияда ҳам шундоғ ўтуз йил ўқуб хатми кутуб қилган кишилар бор, ичинда ўн йилда хатм қилганлар ҳам бор, илми аввалгидан ортуқроқ. Мана булар мезон эмасму? Замон тарозуси бундан иборатдур”[32].

Олтинчи мезонда маиший ҳаётдаги исрофгарчиликлар, жумладан, бидъатга берилиш ва ортиқча сарф-харажатларга ружу қўйиш, фикрсизлик иллати муолажасига эътибор қаратилган. Исҳоқхон Тўра Ибрат мутаассиб муллаю имомларнинг бепарволиги билан ислом олами бидъат ва ҳурофот чангалида қолгани, фатво ҳам табақага солиниши, авом халқ эса маломату заҳмат ичида қолиб, исломдан безиши ва жоҳиллик сари юз тутганидан ташвишланган: “Бефикр ўлсанг, эй дўст, муҳтожи нон ўлурсан”[33].

Исҳоқхон Тўра Ибрат афсус ва надомат билан тилга олган жоҳил кишилар ҳаётининг мазмунини англамайдилар. Инчунун, бутун умр Қуръон безакли ғилофга ўраб, токчада асрашади. Гўёки Қуръон уйнинг безаги. Уммат шундай ачинарли ҳолатга келдики, Қуръон

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023 SPECIAL ISSUE

ўликлар учун ўқиладиган бўлди.

Исҳоқхон Тўра Ибрат на фарз қилинган, ва на суннат бўлган бидъатларга берилиб, жонини қийнаб, ўзини машаққат ва ортиқча сарф-ҳаражатларга ураётгани урфга айланганини надомат билан тилга олган. Жумладан, ўлганга қилинадиган ортиқча сарф-ҳаражатларни танқид қилиб, азадорнинг ўликни кўмиш ва учлик, еттилик, пайшанбалик, қирқлик, йиллик ва бошқа бидъатларга ўралиб қолиб, қарзга ботиши, ҳаттоки уй-уловини сотиб бўлса ҳам одамларнинг олқишини олишни савоб деб биладиган одамларга ачинган: “бизнинг халқимизда урф бўлган нимарса ўлганга сарфи беҳудаларни қиладур. Ани(нг) отини хайрот дерлар. Ваҳоланки, саййиот бўлса керакдур. Бир киши ўладур, ани(нг) беш-ўн адад сағиралари бўлур, саканоси (турар жойи) бир ҳовлидур. Ани(нг) ярмини дарҳол сотар ёки бир бойдан дайн қилиб, ақча оладур-да, ани бир кунлик амри сақотий деб маҳалла ва шаҳардан киши чақириб, жаноза деб сарф қилур”[34].

Исҳоқхон Тўра Ибрат куйиниб тилга олган яна бир урфга кирган тўй маросимларидаги ортиқча чиқимлар ва дабдабабозликларки, “... тўй ўтиб тамом бўлур. Авом халқи фалоний яхши тўй қилди, улоқ, пойга, тамошолик тўй бўлди, демаклари бас. Шуҳрат доми буларни(нг) ниятларики, мактаб, мадраса имдодига дор ул-айтом, дор ул-ожизин, мусофирхона деган сўз ҳеч кимда йўқ ва сўзламайдурлар”[35].

Исҳоқхон Тўра Ибрат ёш оилаларнинг иқтисодий ҳимоясига эътибор қаратиб, “бу сарфларни(нг) ўғлига ва қизига бирон тийин нафъи йўқ, ўртадаги кишилар ейдур, ичадур, киядур. Лозим эди, ҳар иккиси сарфларни... янги рўзғор бўлмишларга хоҳ тижорат ва хоҳ бўлак ва амсок айтуб қўйсалар”[36] дея, беҳуда сарф-ҳаражатлар туфайли кўпчилик хонавайрон бўлиши, тўйда меъёрга амал қилиб, жой-жойига сарфланиши лозимлигини таъкидлаган.

Исҳоқхон Тўра Ибрат расм-русумга кирган миллатнинг яна бир иллати ҳақида тўхталиб, “халқимизда “чойхона” деган исмни “самовар” деб юрутарлар – расм бўлди... Ҳама бунга мубталодурларки, аҳлия ва олия кишилар аксар мунда таайюш этмоқ одатларидурки, эрта намоздан чиққонда дарҳол чойхона дўконида ўлтуруб, кўк чойга мубталодурлар. Мунда бўлак гуноҳи кабиралар жорий бўладурки, ул ғийбатдур. Ҳама мунга мубталодур. Уйланмаганлари бўлса, уч ой қиш бекора кеча киргандан сўнг тўкма ва гап деган суҳбат ва ижтимоълари бордурки, уч ой кечаси мунда бўлурлар”[37] деб чойхоналарни танқид қилган. Ёш йигитлардан тортиб катта ёшли кишиларгача чойхоналарга боғланиб қолганлари кўргулик экани, оила ташвиши, фарзанд тарбияси ўлда- жўлда қолиши, ҳеч бўлмаса “қишда бекор ош ошамай, китоб ва ёки масъала ўқушуб, ижтимоъ қилсалар, ҳасана бўлса керак эди” деб танбеҳ берган.

Ақлли кишиларнинг сўзлари ўлчовли, ўрнида ишлатилган бўлади. Беҳуда сўз нодонлик белгисидир. Ғийбат гуноҳи кабира бўлса, ғийбатчи “ўлик этини еган” билан баробар. Ғийбат қилинган киши ғийбат қилган кишини кечирмаса, Аллоҳ ҳам уни авф этмайди. Ҳар бир ҳодиса ёки шов-шувга кишиларнинг муносабати уларнинг аслида қандай инсон экани, фаҳму фаросати, тафаккур кучи, инсон ҳақидаги билимларининг нечоғли эканини кўрсатади. Зеро, иймон ва тафаккур муштарак бўлган инсонни ҳеч ким тўғри йўлдан адаштира олмайди. Исҳоқхон Тўра Ибрат ёшларни илм ўрганиб, касб-кор ва ҳунар эгаллашга чақириб, “Ҳеч пайғамбар ва ҳеч авлиё беҳунар эмас. Ҳамалари бир касбни қилганлар. Сизлар беҳунар турсаларингиз, муҳтожи нон бўлурсизлар”[38] дейди.

Исҳоқхон Тўра Ибрат кишиларнинг янгиликларни қабул қилмай, ўзларини четга олишлари, “бидъат” деб қабул қилмасликларини танқид қилиб, янгиликлар кишиларнинг машаққатини енгиллатиш учун чиқарилгани, янгиликларни ҳаётга фаол жорий этишда уламоларнинг ўрни

беқиёслигини таъкидлаган. Айрим уламоларнинг тор қарашлар натижасида кишиларда янгиликларга нисбатан ғайри муносабат шаклланиб, тараққиётга, маданиятга эришиш зарурият бўлиб турган вақтда тескари ташвиқот қилганларини танқид қилган. Мутаассиб уламоларнинг жамият тараққиётидаги янгиликларни тўғри тушунмай, уларни «ҳаром» деб билишлари, халқни ҳам янгиликлардан парҳез қилишга чақиришлари аслида уларнинг Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг мағзини тўғри тушунмаганликларидадир.

Хурофот халқ ўртасида одатга айланган бўлса ҳам, диний аҳком ва кўрсатмаларга зид амаллардир. Исҳоқхон Тўра Ибрат дейдики, "...уламоларимиз жаридотлар (газет-журналлар)ни ҳам бидъат ва ҳаром билиб, аҳли илмни ўқумоқдан, авомунносни эшитмақдан манъ қилур"[39]. Натижада янгиликларга нисбатан нотўғри тасаввур ҳосил бўлади: "... агар бидъат бўлса, гугурд ёқманг, керосинни тарк қилинг, чой ичманг, қанд еманг, булар ҳам пайғамбар асрларида йўқ эди. Ваҳоланки, ҳамма кийиб турган либосларингиз ажнабийлар ишидур. Бу таассубларингиз ўзунгизни машаққатга солмоқдур десак ҳам табиатларида бир ижтиноб бўлуб турадур. Бул феъли аслий мўғулия феълидурки, ажнабий таомидан ва либосидан, ашёсидан ижтинобға буюрган мутаассибларидан қолган феълдур"[40].

Исҳоқхон Тўра Ибрат замонаси кишиларининг анжомлардаги суратларга муносабатини таҳлил қилиб, таассуф билан "Мана уламои замонларимизни(нг) таассублари, расм ила суратни фарқ қилмай, бандаларни харжга солганлар. Ваҳоланки, ассурату мужассаматуз-завату-зилли ва расмун ма ла зилун лаҳу луғатидан бехабар эканлар. (Сурат – жисмлик сояси тушадиган нарса, ҳайкал, расм – чизиб қилинган соясиз нарса.) Агар суратни эҳтиёти бир ҳунари қаттиқ бўлса эди, макруҳ демай, ҳаром дер эдилар. Сурат пайкар ва ҳайкалдур. Расм бўлса, нақш ва тарсим бўлур. Мана бул хил чакана йўлларни ўртага чиқоруб, катта шоҳроҳлар қоладур. Лозим эди муни(нг) ўрниға халққа фарзи айн бўлган нимарсаларни эътиқодотлардан билдуруб, кабиралардан қайтармоқ эди"[41] дея бефойда нарсаларга маҳкам ёпишиб олган ҳолда бажарилиши фарз бўлган амаллар ҳақида айтмасликлари, катта гуноҳлардан қайтариш ўрнига янгиликлардан сақланишни тарҳиб этаётганларга қарата "агар суратнинг парҳези шу қадар катта бўлганида динда харом қилинган бўлар эди", зеро, бу мезонни(нг) мақсади халқни тафриқа ва иштибоҳдан чиқармоқдур" деб хулоса қилган.

Еттинчи мезонда янгиликларнинг замоннинг талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиши, инсон замон билан ҳамнафас бўлиб яшаши, замондан орқада қолиш ёхуд замон қонун-қоидаларига тўғри келмайдиган иш қилишдан сақланиш, илмга интилиш ва бугунги кундаги илм-фан ютуқларини ўзлаштириш лозимлиги қайд этилган: "Бу замонни(нг) бу равиши ва қилмишига ҳеч ким таассуб этмай ёки зиддиға иш юргузмоққа қодир эмас. Кўб муқтадир подшоҳ ва ҳуккомлар ҳам иложсиз замон маслагига кирган ва юрган"[42].

Исҳоқхон Тўра Ибрат замоннинг эгалари бўлган ёш авлод ҳақида тўхталиб, янги замон хоҳиши янгиликнинг ҳаётга кириб келишидан иборатдир, ҳар қайси замон келажак тараққиёти учун хизмат қилади, замонга қарши айтилган сўз ёки иш маъқул бўлмаса, бу замон аҳлига маъқул бўлмайди дейди: "Ва ҳам Алиййул Муртазо дерлар: "Иъламу авлодакум лизамони ғайри замоникум" ("Авлодларингизни келажак замон илми билан тарбияланг") деган сўзлар ҳаммаси бу замон хоҳиши ва овоннинг келишидан иборат бўлиб, ҳар қайси замонни(нг) келадурган тарафидаги, яъни атиййасини, илму ҳунари даркорлигини кўрсатадур"[43].

Исҳоқхон Тўра Ибрат замон ва вақт ўтиши билан кишиларнинг янгиликларни амалда қўллаётганликларини ҳам эътироф этган: "йироқ сафарга тева бирлан боринг десангиз, поезд

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023 SPECIAL ISSUE

турганда (ёки қаниқли деган қалмоқ чиқарган сардия аробасига избосчик турганда таклиф қилинса), албатта қабул қилмаслар. Ёки гугурд ёқманг, чақмоқ чақинг деса, албатга маъқул бўлмас. Ҳам бу замон ҳама нимарсани табдил қилиб турадур. Инсонларни(нг) феъл- атворини, расм ва ойинларини ва хўрак ва пўшакларини, кор-борларини, кирдорларини. Мана, чунончи, бизни(нг) халқлар, хусусан уламо ва машойихларимиз янги чиққон нимарсадан ижтиноб ва парҳез қилур эрдилар. Ўзлари одат қилдилар. Мана фойтун ароба, мана калош, бўлак-бўлак нимарсалар бу мезонни(нг) биринчи фаслида айтуб ўтган эдук. Булар ҳаммаси замонни(нг) буйруқи илан. Аҳлига замон бир ҳоким, нуфуз ул-аҳкомдурки, имконсиз фармойишидан чиқиб бўлмайдур. Замон даврасига банд юрадур. Аҳлини(нг) атворини кўруб, ўз фарзандининг афъолини билгандек, бу аҳлини то вақти келмаса, бир ишга амр қилмайдур”[44].

Исҳоқхон Тўра Ибрат бу мезонда Ғарб ва Шарқни солиштириб, қадим Шарқнинг оқсаши сабаблари ҳамда бугунги кунда маданиятнинг Ғарбдан Шарққа қараб одимлаши, муаззам Шарқ қадимдан касбу камолоти улуғ бўлса ҳам, бугунга келиб тараққиётдан ортда қолгани, бунинг замирида мутаассиблик ва жоҳиллик, хурофотга берилиш ва илмсизлик ётишини таъкидлаган: “Замон равишига юрмаслик шунга ўхшарки, бир ҳовли ичинда бир отадан ўн фарзанд бўлиб, буларни(нг) баъзиси ота амрида ва баъзилари бўлак ерда юруб, оталарини(нг) сўзини олмай, нифоқ қилиб, иттифоқни қўлдан бериб, ер-сув амлокларидан бермай, оталари буларни ноқобил деб маҳруми мерос қилиб, бўлакларга ўтказгандек, бу замон шу отадурки, бола аклига қарар ва ақл ҳам ўргатар. Сўзга кирмаса, йўлдан юрмаса, ўз ҳолига ташлар-қўяр”[45].

Исҳоқхон Тўра Ибрат ҳадис мисолида муддаони тушунтиради: “Дунёга муҳаббат қўйиш барча хатоликлар бошидир”[46]. Инсоннинг тафаккури ўзгармаса, ҳаёти ҳам ўзгармайди, яъни инсон тафаккурида туб ўзгариш ясамагунча, унинг дунёқараши ижтимоий-сиёсий жараёнларга мувофиқлашмагунча ҳар қандай хатти-ҳаракати беҳуда ва фойдасиз бўлади. Бунинг учун ботинни англаш, қалбни тарбиялаш даркор. Инсон учун энг катта душман – нафс. Нафс ёмонлигидан омон бўлиш учун ақл кўрсатмасига амал қилиш жоиз.

Исҳоқхон Тўра Ибрат назарида нафсининг қули бўлган кишилар ҳали одамийлик даражасига ўсиб етган эмас. Уларнинг энг катта нуқсони – маърифатдан, дину иймондан бехабарлигидир: “Мана тасвир. Фикр қилса, замон ҳукми кўрунуб турадур. Аҳли замон ўзлари ҳам бунга қойил. Чунончи, бир иш жорий бўлмагон бўлса, бир кишига шундай қилинг десалар, жавобига айтурки: “Замона кўтармайдур” деб. Ўзлари ҳам бу замонни(нг) кўтармагон ишини билурлар”[47].

Исҳоқхон Тўра Ибрат Аллоҳ исломни азоб учун эмас, роҳат учун яратганини англамаган дин аҳлининг жоҳиллик ва нодонликларини эътироф этган: “...Бугун кўпайган бузуқлик ва фасодларни ислоҳи учун ваъз қилмоқ керак. Заруриёти диния ва ахлоқи исломияни аларға таълим ва танбеҳ қилмоқ керакдур” [48]ки, “қалбинда, фаҳминда мезони бор зот тартиб билурлар ва илм қилурлар”[49].

Саккизинчи мезон либосларга бағишланган. Исҳоқхон Тўра Ибрат замона кишиларининг либосга муносабати ўзига бўлган муносабатидан анча юқорироқ туриши, яъни либосга эътибор бериб, ўз ички дунёсидан бехабар қолган, чиройли ва анвойи либосларга бурканган кишиларинг ахлоқи, одоби, маънавияти, маърифати ҳаминқадар эканини мисоллар орқали очиб берган: “Бизни халқни умумий ҳаммасида бир хейли зотий феълларидур, ўз шаҳарларни(нг) либосидин бошқа мамлакат либосини кўрсалар, ичи билан ишлари йўқ, салласи бўлса, мажусийни ҳам “мусулмон” деб ушлаб, эътиқод қилурлар. Аммоки, телфак ёки

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023 SPECIAL ISSUE

шилфа, ё фас ё бўлак хил тўффи кийган бўлса, ани Боязид ёки шул киши Баҳоуддин десангиз, албатта нафрат қилурлар”[50].

Исҳоқхон Тўра Ибрат замонадаги бўлган турфа ҳодисаларни мисол тариқасида келтириб, инсонга ёки миллатга баҳо беришда унинг ташқи кўриниши ёки либоси унинг ички қиёфасини бера олмаслиги, кишининг кийган кийимига қараб, унинг мусулмон ёки кофир эканини ажратиб бўлмаслигини эътироф этган. Жумладан, бир киши ҳажга бориб, у ердан эҳром кийимини кийиб келса, ўғли отасини уйига киргизмай, “отамиз ҳаждан бузилиб келибди” деб қозихонага арз қилган бўлса, бухоролик яҳудий катта салла ўраб, чопон кийиб, ўзини “шайхман” деб таништирса, одамлар унга ихлос қилиб, назру ниёзлар қилишгани, бир киши таниб қолиб “фалоний яҳудийку” деса, юухоролик яҳудий ундан “айбимни ошкор қилма” деб у ердан қочиб кетган. Арабларга кўр-кўрона эргашиш, уларни улуғ деб билиш оқибатида “кўб насроний ва қизилбошларни гадойликка ўргатиб қўйишган”, миллатнинг соддалигини билган Кошғар, Хитой халқи ҳам юртимизга араб бўлиб келиб, назр олишга ўрганишган: “Туркистон саховати, мурувватн кўб фирқани гадо қиладур. Либосга ишонадурлар”[51].

Исҳоқхон Тўра Ибрат арабларнинг либослари ҳақида ҳам фикр билдириб, бу либослар Пайғамбаримиз (с.а.в.) даврларидан қолгани, бу либосларни халқимиз тўлиқ қабул қилмаганини ҳам эътироф этган: “Суннат либос бўлса, араб бадавийлар либосидур. Пайғамбар алайҳиссалом қамислари икки хил экан. Бири қабоки, садри санияда чоки бор. Бири суманки, катф тагидан чоки бор. Ҳар иккиси ҳам бадавийларда расмдур. Бас, бу мамлакатларимизда суннат либослар йўқ амомадан бўлак»[52]. Пайғамбаримиз (с.а.в.) мусулмонлар учун бир хусусий кийим тайин қилмаганлар. Шу билан бирга арабларнинг жоҳилият давридаги кийимларини ўзгартиришга буюрмадилар. Балки ўзлари Рум, Шом мамлакатларидан келган тўнларни кийганликлари, насороларнинг либосларидур, киймангланлар деб, ман қилмаганлар.

Масаланинг моҳияти шундаки, ервопаликларга ўхшатиб олгани билан инсон маданий бўлиб қолмайди. Илмсиз бу суратнинг ҳеч бир аҳамияти йўқ. Европа кийимларини кийган кишиларни уларнинг либосига қараб куфрга йўйиш ҳам гумроҳликдан ўзга нарса эмас. Европаликларнинг ҳар бир ишларига оғзидан суви кетадиган, уларга кўр-кўрона эргашиб, ўзларидаги бор нарсаларни ҳам таҳқир қилиб, миллий расму одатлар ўрнига ахлоқсизлик, разолат ва сафоҳатларни одат қилиб олишлари айни қолоқликдир. Суратпарастлик, кўр-кўрона ишониш ва тафаккур қилмаслик инсоннинг ўзлигини англашига тўсқинлик қилади: “бизнинг халқнинг ихлоси либосга, одамга эмас”[53].

Исҳоқхон Тўра Ибрат замон ўзгариши билан либослар ҳам ўзгариши, кеча оврўпа либосларига эътироз қилган кишилар бугун талай қулайликларини кўриб бу либосларни кийишларини тараққиёт ва маданият такомили билан боғлаган: “Муни фикр қилса, мезон чиқар. Асри аввалда қандай, асри ҳозирда қандайдур? Муни(нг) ашколини кўз ила кўрсатмак лозим эмас, идрок кифоя. Бошимиздаги тўффи беш хил табаддул бўлди. Тўнимиз уч хилга табдил бўлди. Оёқ кийими ҳам тўрт хил табдил бўлди. Замонага караб бул ҳам бўлак рангда бўлиб турур. Бу табодил билдурмак мақсад эмас. Табодили замонга назари гириҳ ила боқуб, замон ила муҳорабадан тўхтамак керак”[54].

Тўққизинчи мезонда аждодларнинг ижобий фазилатлари ва хислатлари, ахлоқлари, одаблари, илм-маърифатдаги фидойиликлари тилга олиниб, бугунги кун билан муқояса қилинган: ул аср одамлари содда, софдил, тўғри, хиёнату буғзу адоват, кизблар кам бўлуб ёки бўлса ҳам ошкор

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023 SPECIAL ISSUE

эмас экан. Бунга сабаб исломни(нг) янгилиги, маҳкам ушлаганлари ёки муҳтасиби аҳли ислом ҳафта баҳафта таҳқиқ қилиб тургани сабаб бўлса керак. Шу ўринда Исҳоқхон Тўра Ибрат бугунги кун кишилари ҳолатини қиёслаган: “Алҳолчи, бул хил одамлар мингдан бир, балки қалил, дар ҳукми адамдур. Ҳамада нифоқ, нафсоният, кизб, буғзу адоват, хиёнатдур”.

Исҳоқхон Тўра Ибрат аждодларнинг эътибори либосга, ош-овқат, ҳашам, дабдаба, маишатга эмас, маънавий юксалишга қаратилганини қайд этган: “Ул вақтни(нг) либослари бошда қолин пахталик тўффи, бўз кўйлак, қўлда тўқулган тўнлари. Шул бўзни кўк, қарога мойил пахталик бир қабат оёғ кийими – ёрғоғдан қилган кафш-маҳси йўқ эди. Хўраклари бўлса, миллий буғдой оши – гўжа, қарилар – атала, гоҳи тариқ оши, сут-қатиқдан иборат эди. Мажлислари катта маъракаларда, чунончи тўйлар, хоҳ суннат тўй, хоҳ никоҳ бўлсун, дастурхон ўрниға миёналарга, яъни оммага ҳиёт замин-ерларга фахол-хошок солуб ўтқузуб, бир кун кўчада юруб, арбоблар чоқируб, мунодий айтуб, фалонийникига нонга ёки ошга деб, бир кун ош, бир кун нон таом эди. Ифторларда киши олдиға икки нон, бир косадан сув қўйуб, суюқ ош ила ифтор бўлур эди. Никоҳ тўйлар маҳаллага бир ош, зиғир ёғи илан тортуб, ақд холос эди. Мана бир асрни(нг) мезони! Мана табодил! Мана мезон! Булар ҳаммаси маданиятдан намунадур, ободликдан нишона. Оламни кўрмак кўб асрлар аҳволини билмакдан иборат бўлса, мана кўрдингиз бир асрни(нг) аҳволини!”[55].

Исҳоқхон Тўра Ибрат бугунги кун кишиларининг эътибори юқорида айтилганларнинг акси экани миллатнинг нақадар тубанлашиб кетганини кўрсатиб, “ҳама аҳволдин ёзмак бўлсам, ҳар аср неча жилд бўлмаги муқаррардур” деб якунлаган.

Исҳоқхон Тўра Ибрат жамиятда олимнинг нечоғли аҳамиятли эканини теран мушоҳада қилган ҳолда “Динга ва диний қадриятларга муносабат жамият ахлоқий-маънавий қиёфасини қанчалик яхшилайди?”, “Дин ўзгалар ҳақига хиёнат қилишни қоралайди, албатта. Бироқ нега одамлар ахлоқида ижобий ўзгариш кузатилмаяпти?”, “Инсон зоти ер юзидан йўқ бўлиб кетиши мумкинми?”, “Уни сақлаб қолиш учун нима қилмоқ даркор?” каби саволларга жавоб қидирган. Алломанинг “Мезон уз-замон” асари юқоридаги саволларга жавоб дейиш ўринлики, асарда замондаги парокандалик ва эврилиш, уларга миллатдошларининг муносабати масаласи чуқур таҳлил этилган: “Бу мезон ила у ўз асрини тортади. Чунки, “аввалги замон ва кейинги замонларни(нг) бўлак тарозуси бор”[56]. Исҳоқхон Тўра Ибрат назарида маънавий-ахлоқий етук бўлишини истаган ҳар бир киши, илм ўрганиши, ақл-идрокини узлуксиз такомиллаштириши лозим. Зеро, инсонийлик бебаҳо гавҳардир: “Ҳар замон (нинг) ўзига қараб, илму ҳунар касби даркор”[57].

Исҳоқхон Тўра Ибрат “Мезон уз-замон”да кўнглидаги дарди, армонлари, орзуларини баён этган. Зеро, Ибрат миллат ғамини ўз ғами деб билган. Миллатни жаҳолат чангалидан қутқариш ва тараққий этган миллатлар даражасига кўтаришдек буюк истак билан яшаган. Фарзандлар қалбида илмга сўнмас рағбат уйғотиш учун қўлидан келган барча саъй-ҳаракатни амалга оширган. Дунё кўрган, Қуръон, ҳадис илмидан хабардор, бошқа халқлар тили ва маданиятидан бохабар Исҳоқхон Тўра Ибрат мезонлар орқали Туркистон жадидларининг мақсад ва маслаклари, қарашларини ифода этган.

Бугунги кунга келиб, Исҳоқхон Тўра Ибрат зикр этган мезонлар ўз аҳамиятини йўқотмай, долзарб муаммога айланди. Бойликка ҳирс қўйиш кучайиб, қандай қилиб бўлса ҳам бойлик орттириш учун ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормаслик, тирикчилик важидан илм-маърифатдан узоқлашиб, бидъат ва хурофотга берилиш, умрни беҳуда ишларга сарфлаш, касб-ҳунарнинг бошини тутиш ўрнига енгил-елпи ҳаёт кечириш, диндан узоқлашиб, ёвойилашиб бориш, сўз

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023 SPECIAL ISSUE

ва амал ўртасида тафовут, жаҳолатдан кўзлари кўр, илмсизликдан қулоқлари кар ҳолатига келиш, илмлар амалларга мувофиқ келмаслик, насиҳатлар бесамар кетиш, тараққиёт сари одимлаш ўрнига залолат ва разолат ботқоғига ботиш, ҳақ билан ноҳақни ажрата олмаслик, техника ва технологиянинг юксалиши эвазига дангасалашиб, қўлини совуқ сувга ҳам урмаслик, ахлоқий маданиятдан орқада қолгиш, нолойиқ бўлса ҳам лойиқликни даъво қилиб, мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий ва ахлоқий тараққиётига раҳна солиш, ўз хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашиш, халқнинг нафратига учраш, энг ачинарлиси, халқнинг эртанги кунга ишончини сўндириб, “осмон қўлингда бўлса, ташлаб юбор” қабилида иш кўриш, илм аҳли хор бўлган ва илм-маърифатга эътибор кундан кунга заифлашиб, илм учун ўқийдиганлар сафи торайиши – буларнинг барчаси бугуннинг мезонидир. Йиллаб йиққан-терганини ўзини кўз-кўз қилиш, ёинки, қайсидир бойдан ўзининг устунлигини кўрсатиб қўйиш учун сарфлайди. Эвазига бир неча ўн йил қарз тўлаб умрини залолатга айлантиради. Меҳмонга энг яхши дастурхон ва энг лаззатли таомларни тортиқ қилгани ҳолда, ўзи олманинг қуртлаганини, ноннинг куйганини ейди, фарзандларига ҳам шуни раво кўради, дарз кетган идишларни ўзи учун ишлатади. Меҳмоннинг олдида фарзандларига чучук тилли бўлиб муомала қилади, меҳмон кетгач, уларни уриб, қарғайди. Яқин кишилари муҳтожликдан қарз сўраб борса, минг бир баҳона қилиб, пули йўқлигини пеш қилади, бир ҳафтадан кейин янги уй ёки янги машина олгани шарафига элга ош тарқатади. Фарзандига китоб олиб беришга қорни оғрийди, мактаб ремонти учун сўралган пулни беришдан бош тортади, ваҳоланки, бир маишат учун битта мактаб ремонтига етарли маблағ сарфлайди. Мана бугунги миллатнинг асл қиёфаси. Европани “тараққий ва тамаддун” деб ҳисоблаган, европаликларнинг кўзга ялтираб кўринган одат ва ахлоқларини кўр-кўрона ўзлаштираётган бугунги кун ёшлари оврўпаликларнинг илм-фан тараққиётидаги янгиликлари, техника ва технологияларидан кўра, уларнинг мусиқалари, рақслари, либослари, соч турмаклари, юриш-туришларини қабул қилишлари замирида ҳам илмсизлик, жоҳиллик, маънавиятсизлик, маданият ва тараққиётнинг асл моҳиятини англамаслик мужассам.

Алқисса, бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад Исҳоқхон Тўра Ибрат орзу қилган – миллатнинг нурли истиқболи, баркамол авлоднинг камолидирки, замон мезони, тарозуси орқали тараққиётга, маданиятга, маърифатга, камолотга эришилади.

WORDLY KNOWLEDGE